



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ МАНБАИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўроқов У.

Илмий раҳбар: Тошкент молия институти

"Молия" кафедраси дотс, PhD

Муртозаева З.

Назарова М.

Сафарова П.

Тошкент молия институти талабалари:

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7805673>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- mart 2023 yil

Ma'qullandi: 28-mart 2023 yil

Nashr qilindi: 06-april 2023 yil

KEY WORDS

маҳаллий бюджет, маҳаллий
бюджет даромадлар,
молиявий барқарорлик,
маҳаллий солиқ, солиқ-
бюджет сиёсати

ABSTRACT

Мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил суръатларини таъминлаш йўналиши алоҳида ахамиятга эга бўлиб, бунга маҳаллий бюджет даромадлар манбаини ошириб бориш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали эришилади.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудрати шу давлатнинг мукамал бюджетга эга эканлиги билан ҳам ифодаланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг мана шу ўтган давр ичида чуқур иқтисодий сиёсат негизида барқарор молиявий тизимни, шуниндек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро қилиш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ, қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради.


Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.5-бандида ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бироқ, бундай устувор вазифаларнинг удаланиши, энг аввало, маҳаллий бюджетларда етарли миқдорда молиявий маблағлар бўлишини тақозо этади.

Республикада 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлиб, юртимиз тараққиётида янги саҳифа очиши билан аҳамиятлидир.

2021 йилда ҳам коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш учун мамлакатимизда рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати юритилмоқда. Республикадаги кечиктириб бўлмас ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун Бюджет қонунига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали 2021 йилда бюджетдан 27 триллион сўмдан ортиқ қўшимча маблағлар ажратилди.

Шунингдек молиявий соҳада тармоқ ва ҳудудларнинг мутаносиб ривожланиши ҳисобидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбаини кенгайтириш эътибор қаратилиши, маҳаллий бюджет имкониятларини оширилиши, хизмат қилиши қайд этилган.

Шу жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштиришда ўз даромадларининг етишмаслиги оқибатида уларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигининг сақланиб қолиши ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Шу нуқтаи назардан «харажатлар ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини мустаҳкамлаш бўйича бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш» муҳим ҳисобланади. Маҳаллий бюджет мамлакатнинг ҳар бир ҳудудини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга бевосита таъсир этувчи энг муҳим дастак ҳисобланади. Бюджет кодексининг 52-моддасида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар ёритилган бўлиб, бунда республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг даромадлари ҳисобланади.



1-чизма. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини мустаҳкамлаш йўллари¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 1-илова.

Юқорида келтирилган 1-чизма орқали ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунингдек, келтирилган 4 та манбалар орқали ишларни молия-солиқ органлари томонидан чора-тадбирларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали амалга ошириш дастурий амал бўлиши лозим.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетларни даромадлар баъзасини кенгайтириш йўналишлари 2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари ва харажатлари прогнози 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

2021 йил учун Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари прогнози (млрд.сўм)²

Т/р	Ҳудудлар номи	Даромадлар	Харажатлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 352,2	3 228,8
2	Андижон вилояти	1 935,4	2 375,4
3	Бухоро вилояти	1 212,9	1 702,9
4	Жиззах вилояти	2 570,3	4 147,6
5	Қашқадарё вилояти	1 535,8	1 535,8
6	Навоий вилояти	1 970,6	3 254,5
7	Наманган вилояти	2 657,0	3 759,7
8	Самарқанд вилояти	1 754,7	3 048,3
9	Сурхондарё вилояти	745,7	1 279,9
10	Сирдарё вилояти	3 009,8	3 009,8
11	Тошкент вилояти	2 904,9	3 815,0
12	Фарғона вилояти	1 442,7	2 075,6
13	Хоразм вилояти	1 442,7	2 075,6
14	Тошкент шаҳар	4 068,6	4 068,6
	Жами	29 774,7	40 217,6

1-жадвалда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнози келтирилганда 2021 йил жами даромадлар 29774,7 млрд сўмни ташкил этган. Шу ўринда харажатлар эса 40217,6 млрд сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Юқори кўрсаткичларда Тошкент шаҳрининг даромад кўрсаткичи 4 068,6 млрд сўмни ташкил этамоқда. Энг паст кўрсаткичда Сурхондарё вилоятининг даромадлари 745,7 млрд сўмни, харажатлари эса 1 279,9 млрд сўмни ташкил этмоқда.

Бу қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади. Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил яқунлари бўйича ўз соф

² <https://lex.uz/docs/5186044>

фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда даромадлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида, қуйидагилар муҳим ҳисобланади.

1. Маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириш принциплари фойдаланилаётганда уларнинг иккиёқлама характериға эға эканлиги, жумладан уларининг айримлари маҳаллий бюджетларининг даромадлар базасини кенгайтириш манбаларидан келиб чиққан ҳолда ва шу маблағлардан оқилона фойдаланишни ҳисобланади.

2. Маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтиришни инвестицион лойиҳаларни амалға ошириш ҳиобидан даромадларни кўпайтириш ва ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишни иборат.

3. Ҳудудлардаги паст рентабеллик корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳисобидан маҳаллий бюджетлар даромад базасини ошириш учун яғона воситалар қўллаш ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет кодекси 132-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон ўзгаришлари билан бирға.

2. Зайнутдинова У.Д. Ҳудудлар маҳаллий бюджет даромадларини ошириш масалалари // Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишға банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш.

3. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Т.: Молия, 2017. -б. 90.

4. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари // Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 10 ноябрь. -Т.: ТДИУ, 2017. -б.27-28.

5. Nico Groenendijk, Annika Yansoo. Fiscal federalism in transition countries: the three Baltic state compared/ Public finance and management/ volume 16, №3, pp.255-280, 2016.

6. Richard A. Musgrave. The Theory of Public Finance. -McGraw-Hill, 1959. - pp.628.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 1-илова.

8. <https://lex.uz/docs/5186044>

9. <https://www.lex.uz/acts/3107036>

10. [https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasining-orta-muddatda rivozhlanish-istiqbollari-2022-yil-uchundavlat-byudzheti-loyihasi-muhokama-qilindi_311791](https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasining-orta-muddatda-rivozhlanish-istiqbollari-2022-yil-uchundavlat-byudzheti-loyihasi-muhokama-qilindi_311791)

11. <https://www.lex.uz/acts/3107036>